



**ARTICLE INFO**

Received: 24<sup>th</sup> October 2022  
Accepted: 01<sup>st</sup> November 2022  
Online: 03<sup>rd</sup> November 2022

**KEY WORDS**

Суицид, ўзини ўзи ўлдириш,  
ундаш, кўндириш, алдаш,  
интернет тармоғи,  
телекоммуникациялар  
тармоғи

Мамлакатимизда сўнги вақтларда жиноятларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш, шу орқали фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Маълумки, мазкур вазифани бажариш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига юклатилган. Бу борада, айниқса, ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига улкан масъулият юкланган бўлиб, улар юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишда салмоқли вазифаларни амалга оширадилар. [1].  
Хаётда биз” ўзини ўзи ўлдириш” сўзига шунчалик ўрганганмизки, хатто унинг тушунчаси, мохияти ҳақида ўйлаб кўрмаганмиз. Тадқиқот предметини анқлаш учун ўзини ўзи ўлдириш ҳолатларига объектив бир таъриф бериб ўтиш лозим. Бунда суицид атмасидан фойдаланамиз.  
Суицид атмаси илк марта итальян психологи Г.Дзээ томонидан 1947 йили

**ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРИШГА УНДАШ ЖИНОЯТИНИ  
ТЕРГОВ ҚИЛИШДАГИ МУАММОЛАР**

**<sup>1</sup>Ботаев Мурод Джуманшикович**

<sup>1</sup>ИИБ Академияси Тергов Фаолияти кафедраси бошлиғи  
ўринбосари, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd),

**<sup>2</sup>Қобулжонов Омилжон Комилжон ўғли**

<sup>2</sup>ИИБ Академияси 320- гуруҳ курсанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7279776>

**ABSTRACT**

*Муаллифлар мазкур мақолада Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жиноятнинг жиноий ҳуқуқий, криминалистик тавсифи, ушубу жиноят юзасидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар мохиятини очиб берган, шунингдек терговга қадар текширув ўтказиш, жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни олиб боришда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф қилиш бўйича ўзларнинг талиф ва тавсиялари билан ўртоқлашган.*

киритилган ва “ўз умридан махрум бўлиш ниятидаги хатти-харакат” маъносини англатади. Бу масала ҳуқуқий жихатадан доимо қизиқиш уйғотиб келган.

Илмий тилда ўз жонига қасд қилиш суицид( лотинча sui caedere- ўзини ўзи ўлдириш) бўлиб, шахснинг ўз хоши, ихтиёрига кўра ( ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиў ҳолатлари ҳам) мустақил ёки бошқа шахсларнинг ёрдами билан (эвтаназия) ўзини ўзи хаётдан махрум қилиши тушунилади. Суицид жиддий ижтимоий муаммо ҳисобланади.

*Суицид-* онгли равишда ўзини ўзи ўлдириш ( лотинча sui - ўзини, sedere- ўлдирмоқ). Инсоният тарахи мобайнида ўз жонига қасд қилиш муаммосини ечишга нисбатан аввал технологик, кейинчалик – фалсафий ва ахлоқий нуқтаи назардан ёндашилган. Статистик маълумотларга кўра, ўзини ўзи ўлдириш жаҳонда ўлимнинг келиб



чиқиш сабаблари рўйхатида 8-ўринда, зўравонлик ўлимлари орасида 1-ўринни эгаллаши, хар йили бир миллионга яқин одам суцид оқибатида ўлиши, 10 миллиондан 20 миллионга яқин одам эса ўзини ўзи ўлдиришга уриниши кўрсатиб ўтилади[2].

Жахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг берган маълумотларига кўра, дунёдаги ўзини ўзи ўлдириш даражаси энг юқори давлат бу- Гренландия бўлиб, Россия Федерацияси ушбу рейтингда 12-ўринда, Жанубий Корея 13- ўринда, Қозоғистон 18- ўринда, Украина 20-уринда, Ўзбекистон эса 92-ўринни эгаллаши назарда тутилган. [4]. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида ҳам ўзини ўзи ўлдиришга ундаш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, илгарги нормаларга нисбатан анча такомиллаштирилди, яъни 103<sup>1</sup>-моддасининг матни ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли Қонунига асосан қуйидаги тахрирда берилди: [5].

Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлса,

Ўша ҳаракатлар:

- а) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон

ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса

**Ўзини ўзи ўлдириш бу** – шахс ўзини хаётдан махрум қилиш мақсадида, мустақил равишда ўзга шахсларни жалб қилмай туриб содир этиладиган ҳаракатдир. Бундай ҳаракатлар ихтиёрийдир, аммо шунга қарамай, инсон онгига таъсир кўрсатиш шундай ҳаракатлар оқибатида ўз эркинлигидан махрум қилиш жиноят ҳисобланади.

Ўзини ўзи ўлдиришнинг сабаби инсоннинг рухий беқарорлиги бўлиб, иш ёки оиладаги муаянн муаммолар, реал ҳаётда ўз истаклари. Вазифалари ва бошқаларни рўёбга чиқаришнинг етишмаслиги бўлиши мумкин.

**Ундаш деганда**, яъни кўндириш хар хил усуллар орқали шахсда ўзини ўзи ўлдириш хиссини уйғотиш натижасида, уни ўзини ўзи ўлдириши ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиши тушунилади.

**Кўндириш** деганда, жабрланувчини онгига рухий ишлов бериш, ўзини ўзи ўлдириш хиссини уйғотиш ёки аксинча қарама - қаршилиқ ҳосил қилиш тушунилиши лозим.

**Алдаш**ни инсон рухиятига таъсир кўрсатиш усули деб тушуниш зарур бўлиб, мазкур усул бошқа ўахсни қасддан адаштиришдан ёки фаолиятга мос бўлмаган ахборотни бериш ёки жабрланувчини ўзини ўзи ўлдиришга ундаш мақсадида турли фактлар, нарсалар, ходисалар ва бошқаларни яшириш йўли билан ундаги мавжуд янглиш фикрни қўллаб – қувватлашдан иборат[7]. .

ЖК 103<sup>1</sup>-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет



бутунжахон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир ўзини ўзи ўлдиришга ундаш учун жиний жаобгарлик назарда тутилган.

**Телекоммуникациялар тармоғи** алоқа линиялари орқали ахборотни узатиш учун мўлжалланадиган технологик тизим бўлиб, унга кириш хисоблаш техникаси воситалари ёрдамида амлга оширилади.

**Интернет тармоғи** глобал ахборот тармоғи бўлиб. Унинг қисмлари бири бири билан ягона адрес майдони воситасида мантиқий боғланган. Интернет бири бири билан боғланган кўп сонли компьютер тармоқларидан иборат ва компьютерлар, электрон почта, эълонлар тахталари, маълумотлар базалари ва мунозара гуруҳларига масофадан туриб уланишни таъминлайди.

**Провайдер** ахборот технологиялари соҳасида хизматлар (масалан, телекоммуникация тармоқларига улаш) кўрсатувчи шахс (фирма).

**Интернет бутунжахон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатилиши** тармоқ абонентларига амалий протоколлар, электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш. Тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва қидириш ва хоказолар ёрдамида тақдим этиладиган функционал имкониятлар мажмуидан иборат.

**Дастурий таъминот** ахборотни қайта ишлаш тизими дастурлари ҳамда бу дастурлардан фойдаланиш учун зарур бўлган дастурий ҳужжатлар мажмуидир.

Хусусан бугунги кунда Интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9минг

сайт мавжуд бўлиб, эротик мазмунга эгалари 4 мингдан зиёд, 12 фоиз порнографик характерга эга сайтлар мавжуд. Шунингдек, 42 фоиз болалар ва ўсмирлар онлайн порнография таъсирига тушмоқда, 49 фоиз компьютер ўйинлари зўравонлик ва ёвузлик руҳида. 41 фоиз ўта жангари (бешафқат урушлар, ўлдиришлар, отишмалар, портлашлар ва хоказолар) ўйинлар билан машғул. [3].

Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жиноятларининг киминалистик тавсифи мазмунига қуйидаги элементларни киритиш мумкин:

- жиноят тўғрисидаги дастлабки маълумотларнинг типик тавсифи;
- дастлабки ахборот ва маълумотлар тизими;
- жиноятни қандай йўл билан содир этиш усуллари ва изларни яшириш усуллари;
- эҳтимол тутилган жиноятчининг шахси ва у жиноятни қандай мақсадларда содир этганлиги;
- жиний тажовузнинг типик жабрланувчисига оид маълумотлар;
- жиноятнинг қандай ҳолатлар ва шароитларда (жойи, вақти, содир этиш усули бўйича) содир этилиши тўғрисидаги ахборотлар ва ҳоказо.

Юқорида кўрсатилган барча элементлар маълум тизимни ташкил қилади, яъни улар бир бири билан боғлиқ бўлиб, бир бири билан ўзаро тобелик алоқаларига эга.

Шундай қилиб, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жиноятининг криминалистик тавсифи - бу барқарор бир хил хусусиятга эга бўлган алоҳида турдаги жиноятларнинг очилиши ва тергов олиб борилишига ёрдам берувчи аломатлар йиғиндиси.



Жиноятларни криминалистик тавсифининг таркибий қисми - бу жиноятнинг содир этилиш вақти ва жойи, жиноятни содир этилишига тайёргарлик кўриш ҳолати, мақсади ва сабаби, жиноятнинг криминалистик белгиси- изларнинг ўзига хослиги, кенг маънодаги изларнинг пайдо бўлиши механизми, жиноятларни содир этиш ва изларни яшириш ҳисобланади.

Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш хар хил услубда амалга оширилади бунда ушбу жиноят интернет жаҳон ахборот тармоғи ёки реал ҳаёт (жабрланувчи билан бевосита ижтимоий муносабатларга киришиш: биргаликда ишлаш, яшаш, ўқиш ва бошқалар орқали)да содир бўлганлигини аниқлашимиз лозим бўлади. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жинояти асосан ижтимоий тармоқлар орқали содир этилишиқўп кузатилмоқда. Аксарият ҳолларда бу жиноят маиший ёки оммавий турмуш шароитида содир этилади. Ушбу жиноятнинг содир этилишида қуйидаги объектив ва субъектив сабаблар мавжуд бўлади: жавобгарликдан ва жазодан қутулиш; оилавий низолар (ота-бола, қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликлар); иқтисодий инқирозлар ( банкротлик қарзга ботиб кетиш, ишсизлик); ишдаги (ўқишдаги) муаммолар; бахтсиз (жавобсиз ) мухаббат, эрининг ёки хотиннинг хиёнати; ҳаётдан қониқмаслик, зерикиш, ўз ўрнини тополмаганлик, ёлғизлик; яқин инсонларнинг ўлими; рухий ҳолатнинг бузилиши, рухий хўрланиш ( номусга тегиш, калтаклаш каби жисмоний зўрликлар оқибатида), соғлиқ билан боғлиқ муаммолар, гиёҳвандлик , алкоголизм; диний фанатизм каби

оқибатлар натижасида ўзини ночор, касалманд, ҳеч кимга кераксиздек ҳис этиш ёки ўз оғирлигини яқинларига солишни хохламаслик ёхуд ўз шани, қадр қимматини камситилишидан, шарманда бўлишдан, қораланишдан қўрқиш ва бошқалар.[8]. Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жабрланувчининг рухий ҳолатига қаттиқ таъсир қилиш орқали, уни ҳаётга бўлган қизиқишини ва мақсадини йўққа чиқаришга қаратилган ҳаракатлар билан амалга оширилади. Ҳозирги кунда интернет орқали кўплаб вояга етмаган шахсларни ўзини ўзи ўлдиришга ундаган ижтимоий тармоқдаги ўйинларни ҳавола этамиз: “Кўк кит” (ёхуд , Сокин уй, 4:20 да мени уйғот, Китлар денгизи, Сомон йўли, U19, F57 ва бошқа номлар), “МОМО”, “РОКЕМОН” ва бошқалар.

Республикамизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мазкур салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан изчил профилактик чоратadbирлар амалга оширилиб келиняпти. Юртимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан биргина “Кўк кит” ўйининг 15- босқичига етиб келган 5 нафар уқувчи ҳаёти ўлим гуруҳларидан сақлаб қолинган. Ўз вақтида кўрилган тезкор тарғибот ишлари туфайли аксарият ёшларимиз бундай хавфли ўйинлардан асраб қолинмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар ИИББга асосланиб NUZ.UZ сайтнинг берган хабарига асосан, расман Ўзбекистон, МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари орасида тарқалган ҳаёт учун хавфли “Кўк кит” ўйини оқибатида жабрланганлар қайд этилмаган. аммо ушбу жиноятни содир қилишда бевосита иштирок этаётган ва ўсмирларни ўз жонига қасд қилишига



сабабчи бўлаётган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланмаган эди. Шу сабабдан бир қатор нормаларнинг мазмунан ва шаклан кенгайтирилганлиги бир нормадан алоҳида ажратилиб “прим” нормага айлантирилаётганлигини айтишимиз мумкин. Шунингдек Россия Федерациясининг ижтимоий тармоқларида ўспиринлар яна бир ҳалокатли ўйинда иштирок этишга чақирилмоқда. Энди у “Кўк кит” эмас “Янги йўл” деб номланди[4].

Ўзини ўзи ўлдириш ҳолатлари асосан ИИОга берилган хабарлар орқали аниқланади ва кўпинча юз берган ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, шахснинг ўлими сабаблари, шунингдек ушбу жиноятни содир этган шахсни аниқлашга доир ҳаракатлар амлга оширилади. Ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговни олиб боришда, биринчи навбатда терговчи жиноятни тез очишга хизмат қиладиган тергов тусмллари ва режасини тузиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу жиноятни тергов қилишда бир қатор муаммолар юзага келиши мумкин бўлиб, хусусан жабрланувчини ўзини ўзи ўлдиришига ким ундаганлиги, содир этилаётган шу турдаги жиноятлар асосан интернет орқали чет

эл фуқаролари томонидан амалга оширилаётганлиги, бошқа давлат фуқароларни Ўзбекистон Республикасига олиб келиш, яъни уларни экстрадиция қилиш масласида муаммолар юзага келаётганлиги. Ўзини ўзи ўлдиришга ундашнинг чегарси белгиланмаганлиги, яъни қандай хатти-ҳаракатлар ўзини ўзи ўлдиришга ундашга олиб келиши ва ўзини ўзи ўлдириш хиссини нималар уйғотиши аниқ очиб берилмаганлиги, интернет бутунжаҳон тармоғида ўзининг маърузалари билан, масалан, республикамиз ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш тақиқланган “Абдуллох Зуфар”нинг аксарият шахидлик белбоғини тақиш ва жиходга чорловчи маърузалари Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини зўрлик билан ағдаришга хизмат қилувчи ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган бўлиб, ушбу материаллар шахсни ўзини ўзи ўлдиришга ундаб, “мотивация” бериши орқали одамларда ўзини ўзи ўлдириш хиссини уйғотади. шу тоифадаги шахсларнинг ҳаракатларига ЖКнинг алоҳида янги моддаси билан жиноий жавобгарлик масласини ҳал қилиш лозим бўлади.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.:«Ўзбекистон» НМИУ, 2019. – 80 б. 2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2018. – 480 б.;
2. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/suicide>;
3. <https://gtmarket.ru/ratings/global-suicide-ranking>;
4. <https://en.wikipedia.org/wiki/Suicide>;
5. <https://nuz.uz/uz/>;
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шarti. Суд органлари тизимида одил



судловни таъминлаш борасидаги ишларининг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилишдаги нутқ. Т.:“Ўзбекистон”,2017. 32 б.;

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сонлиҚарори. / Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. – Тошкент: Адолат, 2006. – Б.167-168;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14-майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори.